# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • http://xs.uz • E-mail: Info@xs.uz • 2014 йил 29 март, № 61 (5991) Шанба


# ИННОВАЦИОН ҒОЯЛАР ВА ЮҚОРИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Кеча пойтахтимиздаги “Ўзкўргазмасавдо” мажмуида “Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар тақдимотлари ҳудудий кўргазмаси” ўз ишини бошлади.

*Ушбу тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, “Ўзбекнефтгаз”, “Ўзавтосаноат”, “Ўзфармсаноат”, “Ўзкимёсаноат”, “Ўзқурилишматериаллари” компаниялари, Ўзбекистон Фанлар академияси, Иқтисодиёт вазирлиги қошидаги Трансфер технологиялари агентлиги, “Ўзэлтехсаноат” уюшмаси, Тошкент шаҳри, Тошкент ва Сирдарё вилоятлари ҳокимликлари томонидан ташкил этилди.*



## КЎРГАЗМА

VII Республика инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркаси доирасида ўтказилаётган мазкур анжуманда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 33 та илмий муассасаси, шунингдек, хўжалик бирлашмалари, кичик бизнес вакиллари ўзларининг 267 та лойиҳаси билан қатнашмоқда.

Айтиш жоизки, кўргазмага тақдим этилган ишлар хилма-хиллиги, турли йўналишларни қамраб олганлиги билан алоҳида ажралиб туради. Зеро, илғор технологияларни амалиётга кенг татбиқ қилиш нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Масалан, Фанлар академияси илмий ходимларининг “Полиэтилен ишлаб чиқариш чиқиндиларини утилизация қилиш технологияси”, “Тупроқ, оқова сувларнинг нефть ва нефть маҳсулотларидан тозалаш экологик биотехнологияси”, “Қишлоқ аҳолиси учун энергия тежашнинг фотоэлектрик тизимли иссиқхоналари” номли лойиҳалари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфидаги илм даргоҳлари мутахассисларининг “Саноат газ чиқиндиларини тозалаш учун гранулали композит полимер сорбентлар”, “Юқори вольтли электроизоляцион композит материаллар ишлаб чиқариш технологияси” сингари ишланмалари мамлакатимиз иқтисодиёти равнақига хизмат қилиши, шубҳасиз.

(Давоми 2-бетда).

## Олий Мажлис Қонунчилик палатасида



# ДЕПУТАТЛАР ЯНГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚДИЛАР

*Аввал хабар берилганидек, яқинда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар Вазирлар Маҳкамаси томонидан қонунчилик ташаббуси тартибида киритилган яна иккита янги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар.*

“Давлат мулкини бошқариш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини амалда рўёбга чиқариш доирасида ишлаб чиқилди. Қонун лойиҳасининг мақсади мамлакат ичкарисида ҳам, ундан ташқарида ҳам давлат мулкини самарали бошқаришга қаратилган, давлат мулкини бошқариш соҳасидаги қонун ҳужжатларини янада ривожлантиришдан иборат. Қонун лойиҳаси давлат мулкий ҳуқуқларни қўлга киритган вақтдан бошлаб, то улар тугатилгунигача давлат мулкини бошқариш тизимини яратишга қаратилган. Қонун лойиҳасида давлат мулкини бошқаришни амалга оширувчи давлат органларининг ваколатларини чегаралаш ва давлат мулкини бошқариш соҳасидаги давлат сиёсатини ўтказиш учун уларнинг жавобгарлигини ошириш назарда тутилмоқда.

“Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларини тадбиркорлик субъектларининг фаолияти учун имкон қадар қулай шарт-шароитлар яратиш, ортиқча бюрократик тўсиқларга барҳам бериш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахл қилувчи бошқарув ҳаракатларининг тўлиқ ошкоралигини таъминлашга қаратилган “Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Қонунга мувофиқлаштириш мақсадида ишлаб чиқилган.

Ушбу қонун лойиҳасида мамлакатимизнинг айрим қонун ҳужжатларига, шу жумладан, “Давлат санитария назорати тўғрисида”ги, “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги, “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги, “Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида”ги қонунларга бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Қонунчилик палатаси масъул қўмиталарининг вакиллари ушбу қонун лойиҳалари юзасидан сўзга чиқдилар. Улар таклиф этилаётган ҳуқуқий ҳужжатларнинг асосий қоидаларини, шунингдек, уларнинг демократик бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштиришдаги аҳамиятини баён қилдилар.

Ушбу қонун лойиҳалари барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳининг вакиллари иштирокида ҳар томонлама муҳокама этилганидан кейин депутатлар уларни биринчи ўқишда маъқулладилар.

Қонун лойиҳаларини кейинги ўқишда кўриб чиқиш учун тайёрлаш масъул қўмиталарга топширилди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот хизмати.**

# ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ МИНТАҚАВИЙ АКСИЛТЕРРОР ТУЗИЛМАСИ КЕНГАШИНИНГ ЙИГИРМА ТЎРТИНЧИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Тошкент шаҳрида 2014 йил 28 март куни Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Минтақавий аксилтеррор тузилмаси (ШҲТ МАТТ) Кенгашининг навбатдаги йигирма тўртинчи мажлиси бўлиб ўтди. Унда Қозоғистон Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Қирғиз Республикаси, Россия Федерацияси, Тожикистон Республикаси, Ўзбекистон Республикаси ва ШҲТ МАТТ Ижроия қўмитаси вакиллари иштирок этди.

Мажлисда ШҲТ МАТТ Кенгашининг ШҲТ Давлат раҳбарлари кенгашига ШҲТ МАТТнинг 2013 йилдаги фаолияти тўғрисидаги маърузаси лойиҳаси маъқулланди. ШҲТ МАТТ Ижроия қўмитаси директори Чжан Синьфэннинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларнинг терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашиш бўйича 2013 — 2015 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури, шунингдек, ШҲТ МАТТ Кенгаши қарорларининг амалга оширилиш жараёни тўғрисидаги ахбороти тингланди. ШҲТ МАТТ Ижроия қўмитасининг ўтган даврдаги фаолияти ижобий баҳоланди.

2014 йилнинг тўртинчи чорагида ШҲТга аъзо давлатлар ва ШҲТда кузатувчи давлатлар ўртасида халқаро терроризм ва экстремизмга қарши курашиш соҳасида ҳамкорлик масаласига бағишланган иккинчи илмий-амалий конференцияни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

ШҲТга аъзо давлатлар ваколатли органларининг терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиришни ҳамда уларнинг ўзаро ҳамкорлигини такомиллаштириш мақсадида ШҲТ МАТТ Кенгаши томонидан террористик, сепаратистик ва экстремистик йўлда фойдаланиладиган интернет ресурсларнинг Ягона реестри тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Хавфсизликка кўмаклашувчи халқаро кучларнинг Афғонистон Ислом Республикасидан 2014 йилда қисман чиқарилганидан сўнг ШҲТга аъзо давлатларнинг минтақавий хавфсизликни таъминлаш ва таҳдидларга қарши курашиш бўйича қўшма чора-тадбирлари келишиб олинди.

ШҲТга аъзо давлатлар ваколатли органларининг интернет тармоғидан террористик, сепаратистик ва экстремистик мақсадларда фойдаланишни аниқлаш, олдини олиш ҳамда тўсиб қўйиш борасидаги ўзаро ҳамкорлиги механизми тўғрисидаги низом тасдиқланди.

ШҲТга аъзо давлатлар ваколатли органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳамкорликда ўтказилган “Шарқ-Аксилтеррор — 2014” аксилтеррор машғулотлари якунларига юқори баҳо берилди.

2014 йилда ШҲТга аъзо давлатлар ваколатли органларининг ҳамкорликда чегара операцияларини ўтказиш тўғрисидаги қарор маъқулланди.

Кенгаш ШҲТ МАТТ Ижроия қўмитаси фаолиятини ташкилий, молиявий ва кадрлар билан таъминлашга доир масалалар юзасидан қатор қарорлар қабул қилди.

ШҲТ МАТТ Кенгашининг навбатдаги мажлисини 2014 йил сентябрь ойида Тожикистон Республикасида ўтказиш тўғрисида келишиб олинди.

Кенгаш мажлиси ишчанлик, амалий мулоқот ва дўстона руҳда ўтди.

**(ЎзА).**

# ҲОКИМИЯТ ТАРМОҚЛАРИ ЎРТАСИДА МУВОЗАНАТНИ ТАЪМИНЛАШ — КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЭНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШИ

*Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб олий мақсад — ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.*

*Мамлакатимизда изчиллик билан олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида халқнинг хоҳиш-иродасини ифода этадиган, унинг манфаатларига хизмат қиладиган давлат ҳокимияти демократик принциплар асосида шакллантирилди.*

## КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Шуни ғурур билан таъкидлашимиз мумкинки, босқичма-босқич ва тадрижий тарзда ўтказилаётган ислоҳотлар натижалари бугунги кунда мамлакатимизда юз бераётган демократик жараёнларнинг сифат жиҳатдан янги даражага кўтарилгани, орқага қайтмайдиган тус олгани, доимий равишда ривожланиб бораётганини қайта-қайта тасдиқламоқда.

Қайд этиш лозимки, Ўзбекистон Конституциясининг қоидалари мамлакатимизда ҳуқуқий давлат қуриш ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган демократик ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини ифодалаган ҳолда тизимли равишда ривожлантирилиб борилмоқда. Ватанимизнинг ҳар бир фуқароси мамлакатимиз Конституциясининг охирги нашрини қўлига олиб, унга киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг маъно-мазмунини таҳлил қилса, юртимизда янгиланиш жараёнларининг нечоғли изчиллик билан босқичма-босқич амалга оширилаётганини яққол англаши мумкин.

Шу маънода, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)”-ги қонун лойиҳасининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилиши мамлакатимизда ижтимоий ҳаётни ва давлат бошқарувини изчил демократлаштириш борасида чуқур ўйланган ҳолда амалга оширилаётган сиёсатнинг ажралмас қисми ва мантиқий давоми ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ваколатларини Олий Мажлис ва Вазирлар Маҳкамасига ўтказиш бўйича Асосий Қонунимиз моддаларига киритиш таклиф этилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар Президентнинг давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини, давлат ҳокимияти тармоқлари ўртасида ваколатларнинг мақбул қайта тақсимланишини, шунингдек, улар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимининг самарали ишлашини таъминлашнинг конституциявий механизмларини такомиллаштиришга қаратилган.

(Давоми 2-бетда).

# Наврўз БМТнинг Венадаги бўлимида нишонланди

*Яқинда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Вена шаҳрида жойлашган бўлимида Наврўз байрамига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда Австрияда аккредитациядан ўтган халқаро ташкилотлар ва дипломатия миссияларининг уч юз нафардан ортиқ вакиллари иштирок этди.*

## БИЗ ВА ЖАҲОН

Ўзбекистон Республикасининг Австриядаги элчихонаси билан бир қаторда Озарбайжон, Афғонистон, Қозоғистон ва Туркманистон дипломатия миссиялари ушбу байрам тантанасининг ташкилотчилари бўлди.

Тадбир Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Венадаги ваколатхонаси номидан Бўлим бош директори ўринбосари Жан-Люк Лемахонинг табрик нутқи билан бошланди.

Қайд этилганидек, Наврўз янги йил кириб келишининг тимсоли бўлиб, инсоният тамаддуни тарихида алоҳида ўрин эгаллайди. Шуни ҳисобга олган ҳолда, 2010 йили БМТ Бош Ассамблеяси 21 мартни “Халқаро Наврўз куни” деб эълон қилган. Наврўз байрами БМТнинг Венадаги бўлимида нишонланиши тарихий воқеа саналади, чунки у илк маротаба мазкур бинода байрам қилинди. Жан-Люк Лемахо нутқининг сўнгида бундай шодиёналар келажакда ҳам яхши анъанага айланишига умид билдирди.

Тадбир чоғида қатнашчилар Президент Ислом Каримовнинг Тошкентда Наврўз байрамига бағишлаб ўтказилган тантанали маросимдаги табрик сўзи билан танишдилар. Шунингдек, унинг доирасида мамлакатимиз сармоявий ва сайёҳлик салоҳиятининг тақдимоти ҳам бўлиб ўтди.

Байрам меҳмонлари ташкилотчи мамлакатларнинг миллий таомларидан баҳраманд бўлди. Палов, сомса, чучвара, сумалак, паҳлава ҳамда Европада оммабоп бўлган қуруқ мева ва бошқа ноз-неъматлар ўзбекона байрам дастурхонидан жой олди.

**«Жаҳон» АА.**
Вена

## ТАДБИР

*Пойтахтимизда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази томонидан БМТ Тараққиёт дастури билан ҳамкорликда Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг ўзбек тилидаги нашри тақдимоти бўлиб ўтди.*

# Конвенция тақдимоти ўтказилди

Унда тегишли вазирлик ва идоралар, таълим ва илмий муассасалар, нодавлат нотижорат ҳамда халқаро ташкилотлар вакиллари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Маълумки, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида ҳар бир инсон ирқи, терисининг ранги, жинси, тили, дини, сиёсий ёки бошқа эътиқодларидан, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, мулкий ёки табақавий, бошқа шароитидан қатъи назар, барча ҳуқуқлар ва эркинликларга эга бўлишлари шарт эканлиги белгилаб қўйилган. Бу жисмоний имконияти чекланган шахсларга ҳам бевосита ҳамда тўла тааллуқлидир.

Мамлакатимизда аҳоли, айниқса, имконияти чекланган инсонларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамиятда муносиб ўрин эгаллашларига кўмаклашиш, ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш, саломатлигини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Албатта, бунда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Меҳнат кодекси, “Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”, “Таълим тўғрисида”, “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”, “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”, “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонунлар, давлатимиз раҳбарининг “2011 — 2015 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ва бошқа бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар дастуриламал бўлмоқда.

(Давоми 2-бетда).

# ҲОКИМИЯТ ТАРМОҚЛАРИ ЎРТАСИДА МУВОЗАНАТНИ ТАЪМИНЛАШ — КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЭНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мазкур янгиликлар, шубҳасиз, инсон ҳуқуқларининг таъминланишига, қонунийликка риоя этилишига, давлат органларининг қонунларни, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини ижро этиш фаолияти устидан жамоат ҳамда парламент назоратини таъминлаш бўйича самарали тизим яратилишига хизмат қилади.

Асосий Қонуннинг 11-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланади. Мазкур принципга биноан, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти тармоқлари мустақилдирлар ҳамда тенгдирлар ва ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатини таъминлаш принципига мувофиқ, аввало, Конституцияда ҳамда қонунларда белгиланган ваколатлар доирасида фаолият кўрсатади. Давлат ҳокимияти тизимида ваколат ва функцияларнинг бундай тақсимланиши давлат ва жамият ҳаётини бошқариш билан боғлиқ вазифаларнинг амалга оширилишида бутун ҳокимият унинг муайян бир тармоғи қўлида тўпланиб қолишининг олдини олишга хизмат қилади.

Айни вақтда ўзаро тийиб туриш тизими ҳокимиятнинг муайян бир тармоғига давлат фаолиятини бошқаришда мутлақ ҳуқуққа эга бўлиш имконини бермайди, ўзаро мувозанат тизими эса давлат ва жамият ишларини бошқариш вазифаларини биргаликда ҳал қилишда ҳокимият тармоқлари ўртасида ваколатларнинг аниқ ва оқилона тақсимланишини билдиради. Шу билан бирга, ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизими ҳокимият тармоқлари ўртасида ўзаро назоратни самарали амалга ошириш учун шароит яратади. Бу тизим ўз ваколатларини суиистеъмол қилиш ҳолатларининг олдини олиш учун энг муҳим кафолат бўлиб, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, умуман, қонунийликнинг самарали ҳимоя қилинишини таъминлайди.

Ҳокимиятлар бўлиниши, улар ўртасидаги ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимини амалга ошириш механизмлари Асосий Қонунимизнинг бир қатор нормаларида аниқ мустаҳкамлаб қўйилган. Масалан, қонун чиқарувчи ҳокимиятни шакллантиришда — Олий Мажлис палаталарининг таркиби ижро этувчи ҳокимият органларининг ҳар қандай аралашувисиз бевосита сайловчилар томонидан шакллантирилади. Ушбу принципни амалга оширишнинг ҳуқуқий кафолати бўлиб, Конституция ва қонунлардаги ҳукумат аъзолари, судьялар, прокуратура ходимлари ўз вазифаларини бажараётган даврда давлат ҳокимияти вакиллик органининг депутатлари бўла олмаслиги ҳақидаги қоидалар ҳисобланади.

Айни вақтда ижро этувчи ҳокимият органлари қонун чиқариш жараёнига фаол таъсир эта оладилар. Конституциянинг 83-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга. Қонунчилик ташаббусининг бошқа субъектлари томонидан парламентда кўриб чиқилиши учун киритилаётган давлат даромадларини камайтириш ёки давлат харажатларини кўпайтиришни, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети моддалари бўйича ўзгартиришларни назарда тутувчи қонун лойиҳалари мажбурий тартибда ижро этувчи ҳокимият органлари билан келишилиши кераклигига оид ҳолатлар қонунчиликда белгилаб қўйилган.

Конституцияга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти қонунларни имзолайди ва айни вақтда, қонунга ўз эътирозларини илова этиб, уни такроран муҳокама қилиш ва овозга қўйиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига қайтаришга ҳақли.

Суд ҳокимияти органлари ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнига, ҳуқуқни қўллаш амалиётига таъсир кўрсатиши мумкин. Хусусан, Асосий Қонунимизнинг 108-моддасига биноан, Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият ҳужжатларининг Конституцияга мувофиқлиги ҳақидаги ишларни кўриб чиқади. Бундан ташқари, у вазирликлар, давлат қўмиталари, давлат ҳокимиятининг маҳаллий органлари чиқарган қарорларнинг Конституцияга мувофиқлигини аниқлайди (Конституциянинг 109-моддаси, 1-банди).

Шундай қилиб, қонунларни қабул қилиш қонун чиқарувчи органнинг мутлақ ваколати бўлишига қарамасдан, ижро этувчи ва суд ҳокимияти тармоқлари қонунчиликнинг шаклланиши ҳамда ривожланишида фаол иштирок этадилар. Конституция ва қонунчиликнинг шу ва бошқа бир қатор қоидалари қонунчилик жараёнида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали механизмини ташкил этиб, қонунларни қабул қилишда у ёки бу ҳокимият тармоғининг ўзбошимчалигини истисно этади ва бу орқали мамлакат социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ривожланишининг қонунчилик базаси яхлитлигини, тизимлилигини, мутаносиблигини ҳамда самарадорлигини таъминлайди.

Давлат ҳокимиятининг бўлиниши, ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатини сақлаш тизимининг таъминланишида қонунчилик, вакиллик ҳокимияти органларининг давлат бошқарув органлари, шунингдек, парламент олдида ҳисоб берадиган ёки у томонидан шакллантириладиган давлат органлари томонидан қонунларни ижро этиш бўйича назорат механизми муҳим ўрин тутади. Парламент назорати — олий қонунчилик органининг ҳуқуқни қўллаш амалиётига, ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий жараёнларга ва умуман олганда, жамият ҳаётига таъсир кўрсатишининг энг самарали усулларидан бири. Халқ ҳокимиятчилигининг энг муҳим шаклларидан бири сифатида ушбу институт демократик давлат бошқарувини таъминлаш воситаси бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов 2010 йил 27 январдаги Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида парламент ҳамда маҳаллий вакиллик органлари олдида турган энг муҳим вазифа ижро этувчи ҳокимиятнинг қабул қилинган қонунларни бажариши устидан, яъни ушбу қонунчилик нормаларини ҳукумат — марказда, ҳокимликлар эса жойларда қандай бажараётганини аниқлашдан иборат эканини таъкидлаган эди.

"Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)"ги Қонун билан Асосий Қонуннинг 78-моддасида Олий Мажлис палаталарининг биргаликдаги ваколатлари билан бир қаторда, парламент назорати институтини илк маротаба конституциявий даражада мустаҳкамлаб қўйиш таклиф этилмоқда. Бу мамлакатимизда парламентаризмнинг ривожланиши йўлида муҳим демократик ютуқ бўлади.

Конституцияга киритилаётган тузатишлар парламент томонидан қабул қилинаётган қонунлар, Олий Мажлис палаталари ва унинг аъзоларининг назорат-таҳлил фаолияти натижасида қабул қилинган қарорлар ижроси кафолатларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Ушбу қоидаларнинг амалга киритилиши парламент назоратининг амал қилиш доирасини кенгайтириш, миллий парламентаризм тизимига жаҳон амалиётида кенг қўлланиладиган вакиллик ҳокимияти органлари томонидан амалга ошириладиган назоратнинг янги шаклларини жорий этиш имконини беради.

Олий Мажлис палаталари томонидан Бош вазир номзодининг кўриб чиқилиши ва тасдиқланиши масаласи бўйича Конституцияга киритилаётган тузатишлар парламент назорати самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Конституциявий ислоҳотларнинг аввалги босқичларида Асосий Қонуннинг 98-моддаси мазмунига Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг номзодини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловларда энг кўп депутатлик ўринларини қўлга киритган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги энг кўп депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партия таклиф этишини белгилайдиган қоидалар киритилган эди.

Конституцияга тузатишлар киритиш тўғрисидаги Қонунда ушбу модда Бош вазир лавозимига номзод Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида унинг номзоди кўриб чиқилаётган ва тасдиқланаётган пайтда Вазирлар Маҳкамасининг яқин ва узоқ истиқболга мўлжалланган ҳаракат дастурини тақдим этишини назарда тутадиган янги қоидалар билан тўлдирилмоқда. Конституцияга киритилаётган ушбу норма конституциявий ривожланишнинг халқаро амалиётига тўлиқ мос келади. Хусусан, Польша Конституциясига биноан, парламент аъзолари нафақат ҳукумат раҳбари ва аъзоларини тасдиқлайдилар, балки ҳукумат дастури лойиҳаси бўйича ўз муносабатларини ҳам билдирадилар. Ушбу дастур парламент аъзолари томонидан тасдиқланиши ёки рад этилиши мумкин. Дастурнинг рад этилиши бир вақтнинг ўзида ҳукуматга нисбатан ишончсизлик вотуми билдирилиши ҳисобланади. Финляндия Конституциясига мувофиқ, депутатлар Бош вазир номзоди тасдиқлангунга қадар ҳукумат дастури лойиҳасини кўриб чиқадилар ҳамда унинг мазмунини ўрганганларидан сўнг Президентга Бош вазир лавозимига номзодни қўллаб-қувватлаш мумкинлиги борасида ўз фикрларини билдирадилар.

Таъкидлаш лозимки, Конституцияга киритилаётган тузатишларнинг парламент томонидан ҳукуматнинг ҳаракат дастури кўриб чиқилишига оид қисми амалдаги қонунчиликда янада ривожлантирилиши лозим. Хусусан, парламент палаталари регламентларида ҳукуматнинг ўз ҳаракат дастурини киритиш ва кўриб чиқиш тартибини, унинг мазмунига қўйиладиган асосий талабларни, шунингдек, ушбу дастурни кўриб чиқиш натижалари бўйича қабул қилинадиган парламент қарори шакли ва мазмунига қўйилган талабларни аниқ мустаҳкамлаб қўйиш зарур. Ҳар бир депутат, ҳар бир фракция янги шаклланаётган Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатни барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни таъминлаш бўйича келгуси фаолиятининг барча жиҳатларидан хабардор бўлиши улар манфаатини ифодалаётган сиёсий партияларнинг низом ва дастурларида кўрсатилган вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, Бош вазир номзоди, ҳукуматнинг тутган йўли бўйича ўз позициясини белгилаб олишларига ёрдам беради. Шуни ҳам таъкидлаш муҳимки, Конституцияга киритилаётган мазкур норма — сиёсий партиялар фаоллигини, партияларaро рақобатни кучайтириш, қонунчилик ва ижро этувчи ҳокимият тармоқлари фаолиятини янада демократлаштиришнинг муҳим рағбатлантирувчи омилига айланади.

Эндиликда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партиялар нафақат парламентда энг кўп ўрин эгаллаш ёки Бош вазир номзодини кўрсатиш ҳуқуқи учун, балки ўз сиёсий платформаси ҳамда дастурларида акс этган асосий ғояларини ҳаётга татбиқ этиш учун ҳам кураш олиб боради, бу эса, пировардида мамлакатни модернизация қилиш ва демократик янгилаш жараёнларида сиёсий партиялар ролининг янада ошишига ёрдам беради.

Мазкур Қонун қабул қилиниши парламент назоратининг аниқ шаклларини, объекти ва субъектларини, шунингдек, уни амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий тартиб-таомилларини белгилашга қаратилган ягона ва яхлит қонун ҳужжатини тайёрлаш ишларини якунига етказишдек муҳим вазифани кун тартибига қўяди.

Ҳозирги вақтда Конституцияга киритилаётган тузатишларнинг моҳиятини, аҳамиятини, давлат ҳокимияти тизимида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимининг мазмунини, парламент назорати институтининг конституциявий даражада мустаҳкамланишини олимлар, мутахассислар, сиёсатчилар, оммавий ахборот воситалари иштирокида кенг аҳоли қатламларига тушунтиришни таъминлаш муҳимдир.

Шубҳасиз, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Асосий Қонунимизга киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар, аввалambор, мамлакатимизда сиёсий барқарорлик ва тинчликни янада мустаҳкамлашга, фуқароларнинг демократик ислоҳотларни амалга оширишдаги сиёсий-ҳуқуқий фаоллигини кучайтиришга, шунингдек, юртдошларимизнинг ҳуқуқ ва эркинликларини тўла ҳимоя қилишга, халқ ва жамият фаровонлигини таъминлашга мустаҳкам асос бўлади.

**Ўткирбек МУҲАМЕДОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси бошлиғининг биринчи ўринбосари, юридик фанлар доктори.**

# Баҳор илҳомлари



*Пойтахтимиздаги Миллий санъат марказида "Наврўз — янги ғоялар илҳоми" деб номланган республика ҳунармандлари ва тадбиркор аёллар ишлаб чиқарган маҳсулотларнинг кўргазма-савдоси бўлиб ўтмоқда.*

## 2014 ЙИЛ — СОҒЛОМ БОЛА ЙИЛИ

Соғлом бола йилига бағишлаб Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, "Тадбиркор аёл" ишбилармон аёллар ассоциацияси, Марказий банк, Савдо-саноат палатаси ва бошқа бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида уюштирилган ушбу тадбирда Республика "Ҳунарманд" уюшмаси аъзолари, тадбиркор аёллар, хотин-қизлар қўмиталари фаоллари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Мустақиллик йилларида юртимизда аёлни улуғлаш, уни ижтимоий муҳофаза қилиш, жамиятдаги нуфузини ошириш борасида қабул қилинган барча муҳим ҳужжатлар хотин-қизларнинг истеъдод ва имкониятларини намоён этиши учун кенг имкониятлар эшигини очди. Бунинг натижасида хотин-қизларимиз жамоат ишларида ҳам фаол қатнашмоқда. "Наврўз — янги ғоялар илҳоми" кўргазма-савдоси ҳам юртимиз аёлларининг иқтисодий ҳаёти, оилавий фаровонлиги, билим доирасининг ошиши ҳамда тадбиркорликка бўлган иқтидорларини намоён этишларида муҳим аҳамиятга эга.

Кўргазма-савдода тадбиркорлик, ҳунармандлик, касаначилик фаолияти билан шуғулланаётган икки юз нафардан зиёд тадбиркор ва ҳунармандлар иштирок этаяпти. Улар орасида ўйинчоқ ясовчи ҳунарманд, "Шуҳрат" медали соҳибаси, вобкентлик 77 ёшли Кубарро Бобоева, самарқандлик миллий қўғирчоқлар устаси Разия Сайфутдинова, Нурота каштачилик мактабининг вакиласи Гулнора Ўролова, риштонлик кулоллару шаҳрихонлик пичоқсозлар, бойсунлик гиламдўзлару марғилонлик косиблар ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотларини намойиш этмоқда.

— Болалигимдан каштадўзликка қизиқаман, — дейди навоийлик Гулнора Ўролова. — Бир неча йил давомида Нурота каштачилигининг ўзига хос хусусиятларини ўргандим. Натижада кўп асрлик палак ва кашталарни қайта тиклашга муваффақ бўлдик.

Эътиборли томони шундаки, Гулнора ўзи истиқомат қиладиган маҳаллада "Устоз — шогирд" мактабини тузган бўлиб, бу ерда хотин-қизлар билан бир қаторда, Навоий шаҳридаги Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларидан беш нафарига, имконияти чекланган болалардан икки нафарига ҳунар сирларини қунт билан ўргатмоқда.

Анжуман доирасида "Мамлакатимизда тижорат банклари томонидан аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, яратилган имтиёзлар ва имкониятлар" мавзуида семинар ҳамда уста ҳунармандлар иштирокида "Маҳорат сабоқлари" ҳам ташкил этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э. Боситхонова сўзга чиқди.

**Мавжуда ХОЛМАТОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

# Конвенция тақдимоти ўтказилди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Тадбирда сўзга чиққан Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори А. Саидов, БМТ Тараққиёт дастурининг мамлакатимиздаги доимий вакили С. Приснер ва бошқалар Ўзбекистонда инсон ва унинг манфаатларини таъминлашга зарур шарт-шароитлар яратилгани, бу борадаги қонунчилик базаси такомиллаштирилиб борилаётгани, тегишли халқаро ҳужжатлар ратификация қилинаётганини эътироф этишди.

Чунончи, Ўзбекистон Ҳукумати 2009 йилда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни имзолади. Зеро, ушбу ҳуқуқий ҳужжатда ногиронларнинг ҳуқуқ ва асосий эркинликлари, хусусан, уларнинг яшаш, таълим олиш, саломатликларини сақлаш, бошқалар билан тенг равишда меҳнат қилиш, дам олиш ва спорт билан шуғулланиш, ўзлари ва оиласи учун етарлича турмуш шароитига эга бўлиш, ижтимоий кўмакни амалга оширишнинг ҳуқуқий кафолатлари белгиланган. Бунда, айниқса, ногирон аёллар, болалар ва кексалар ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган.

Мазкур конвенция ногиронларга жамият ҳаётида фаол иштирок этиш, бу борадаги чора-тадбирларни амалга оширишда янада чуқурроқ ёндашишга имконият яратиб бериши билан ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Айниқса, унинг ўзбек тилида чоп этилиши имконияти чекланган инсонларнинг шахсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини сўзсиз таъминлашда давлат органлари қаторида, нодавлат нотижорат ташкилотлари иштирокини кенгайтириш, ижтимоий шериклик механизмларини ривожлантириш асосида жабҳадаги лойиҳалар сони, сифатини янада яхшилашга хизмат қилади.

Тадбир иштирокчилари, ўз навбатида, мамлакатимизда ногиронлар ижтимоий реабилитация, тиббий-психологик хизматларни кўрсатиш учун зарур дори-дармонлар, протез-ортопедия воситалари билан таъминланаётганини таъкидладилар. Шу билан бирга, уларнинг ижтимоий бандлигини мустаҳкамлаш, махсус инклюзив таълим тизимини ривожлантириш йўлида ҳам бир қатор ишлар рўёбга чиқарилаётир. Қолаверса, "Соғлом бола йили" Давлат дастурида ушбу йўналишда кенг кўламли вазифалар белгиланган бўлиб, бу, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, айниқса, имконияти чекланган инсонларга сифатли тиббий хизмат кўрсатиш даражасини ошириши муқаррар.

Тақдимотда, шунингдек, мавзуга оид маърузалар ҳам тингланди.

**Зиёда АШУРОВА.**



# ИННОВАЦИОН ҒОЯЛАР ВА ЮҚОРИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Бугунги кунда юртимизда иқтидорли ёшлар учун барча шарт-шароит яратиб берилмоқда, — дейди Тошкент шаҳридаги Турин политехника университетининг машинасозлик технологияси факультети тўртинчи босқич талабаси Азимжон Рустамов. — Хусусан, университетимиз талабалари ана шундай имкониятлардан унумли фойдаланиб, ўқиш билан бирга, илмий изланишларни ҳам изчил олиб боришмоқда. Айтайлик, мен ҳудудий тадбирда ўзи ҳаракатланувчи роботни намойиш этаяпман. Бу қурилма ҳозирча ўзига хос синов жараёнида. Роботда битта назорат қилувчи ва иккита бошқарувчи элемент мавжуд. Ушбу бошқарув бўлимига компьютер ёрдамида дастурлар жойлаштирилса, уни турли вазиятларда, ҳатто одам бориши қийин бўлган жойларда ҳам ишлатиш, овоз ёки махсус сигнал ёрдамида бошқариш мумкин. Умуман, ўқув даргоҳимизда "Мехатроника" марказининг фаолият юритаётгани биз, талабалар учун айни муддао бўлмоқда. Чунки унда 9 та йўналиш бўйича билим берилиши баробарида, истиқболли ишланмалар устида изланишлар олиб бориш учун барча қулайлик мавжуд.

Шу билан бирга, кўргазмада ёшларни маънавий етук ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, турли жабҳаларда рўй бераётган ўзгаришлардан хабардор этиб боришга хизмат қилувчи лойиҳаларга ҳам катта ўрин ажратилган. Гулистон давлат университетининг "Ўзбек тилшунослиги" кафедраси тадқиқотчилари томонидан тайёрланган "Замонавий ўзбек ҳарбий атамаларининг изоҳли инновацион талқини" лойиҳаси шулар сирасига киради. Унинг муаллифларидан бири — Зулайҳо Тўйчиеванинг айтишича, кейинчалик лойиҳа доирасида ҳарбий атамаларнинг замонавий ечимдаги изоҳли луғатлари, ҳарбий мавзудаги оммабоп кўргазмали воситалар ишлаб чиқилади.

— Ушбу йўналишдаги кўргазмаларда мунтазам қатнашиб келаяпмиз, — дейди Сирдарё вилоятидаги "Камалак-ЛБ" хусусий корхонаси раҳбари Қосим Жабборов. — Бу бизга кўплаб ҳамкорлар билан алоқа ўрнатиш имконини бермоқда. Жумладан, ўтган йилги кўргазмада ўзимизда ишлаб чиқарилаётган ветеринария дориларини сотиш бўйича 100 миллион сўмлик шартнома имзолаган эдик. Жорий йилда эса бу кўрсаткични 150 миллион сўмликка етказиш ниятидамиз.

Кўргазмада Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, "Ўзтадбиркорэкспорт", "Ўзпроммашимпекс" компаниялари, Давлат солиқ қўмитаси, тижорат банклари учун ҳам алоҳида стендлар ажратилганки, бу унинг янада самарали бўлишидан далолатдир.

Кўргазма бугун ҳам ўз ишини давом эттиради.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**СУРАТЛАРДА:** кўргазма фаолиятидан лавҳалар.

Бахтиёр АКРАМОВ олган суратлар.

## АНЖУМАН

*Маълумки, шу йил 9-10 апрель кунлари "Ўзкўргазмасавдо" мажмуида "BankExpo — 2014" VII йиллик миллий кўргазмаси бўлиб ўтади.*

# Замонавий молиявий хизматлар — аҳоли учун

Бундан кўзланган асосий мақсад тадбиркорлик субъектлари ва аҳолини республикамиз банк-молия тизимига жалб этилаётган янги технологиялар билан яқиндан таништириш, кўрсатилаётган хизматларни оммага кенг тарғиб қилишдан иборатдир.

Шу муносабат билан пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан матбуот анжумани ўтказилди. Унда мамлакатимизда фаолият юритаётган тижорат банклари, етакчи суғурта, лизинг ва инвестиция компаниялари мутасаддилари қатнашди.

Таъкидландики, сўнгги йилларда юртимизда банклар иши сифат жиҳатдан тобора такомиллашиб бормоқда. Ҳозирги кунда балоғат ёшидаги аҳолининг барчаси уларнинг хизматлари билан қамраб олингани, шунингдек, катта ёшдаги ҳар юз минг аҳолига 49,7 та молия муассасаси тўғри келаётгани, ҳар минг киши номига 1028 та банк ҳисоб рақами очилгани бунинг яққол тасдиғидир. Мазкур кўргазма эса тижорат банкларининг мижозлар билан ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаб, жорий этилаётган хизмат турлари сони ортишини таъминлайди.

Шуни айтиш керакки, бу йилги кўргазмада "Соғлом бола йили" Давлат дастури ва Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорида илгари сурилган вазифалар ижросини таъминлаш, хусусан, оилавий бизнесни ривожлантириш, таълим муассасалари битирувчилари, хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш бўйича маълумот ҳамда маслаҳатлар беришга алоҳида эътибор қаратилиб, айни шу мақсадда давра суҳбатлари, семинарлар, тақдимот маросимлари, шунингдек, мастер-класслар уюштириш кўзда тутилмоқда.

Матбуот анжумани давомида мутахассислар томонидан касб-ҳунар коллежлари битирувчилари учун "Ёш тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва янада рағбатлантириш" мавзуида амалий семинар ҳам ўтказилди.

**Дилшод ЖУМАБОЕВ.**

ЖАРАЁН

*Президентимиз 2013 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида алоҳида таъкидлаганидек, юртимизда маҳсулотни экспорт қиладиган корхоналарни қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирларнинг амалга оширилгани экспорт фаолиятига 450 дан зиёд янги ишлаб чиқариш субъектларини жалб этиш имконини берди.*

# Мақсад — тадбиркорлар экспорт салоҳиятини юксалтириш

Айтиш мумкинки, бу борада, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳузурида ташкил этилган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармаси муҳим аҳамият касб этмоқда. Гап шундаки, ушбу жамғарманинг асосий вазифаси мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни ташқи бозорга чиқаришда зарур ҳуқуқий, молиявий ва ташкилий ёрдам кўрсатишдан иборат.

Шу мақсадда ўтган қисқа давр ичида жамғарма томонидан 153 та тадбиркорлик субъектига умумий қиймати 56 миллион АҚШ долларидан зиёдроқ бўлган экспорт шартномаларини тузишда кўмаклашилгани эътиборга моликдир.

Хусусан, жорий йилнинг январь-февраль ойларида жамғарма ходимлари Тошкент шаҳрида фаолият юритаётган 30 нафар тадбиркорга қурилиш, тўқимачилик, кимё, озиқ-овқат саноати ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини, шунингдек, туризм ва консалтинг хизматларини экспорт қилишда амалий ёрдам бердилар. Натижада умумий қиймати 10 миллион АҚШ долларидан зиёд маҳсулот ва хизматлар хорижий бозорларга чиқарилди.

Бундан ташқари, жамғарма кўмагида пойтахтлик 6 нафар тадбиркор ташқи бозорларни ўрганиш ва хориждан ишончли ҳамкор топиш, 18 та тадбиркорлик субъекти экспорт шартномаларини тузиш, уларни тегишли банкда рўйхатга қўйиш, 3 нафар тадбиркор эса суғурта полиси орқали маҳсулотларни экспорт қилиш имкониятига эга бўлди.

Айниқса, тошкентлик 35 нафар тадбиркор жамғарма хизматидан беҳад мамнун. Чунки уларга чет элларда ўтказиладиган халқаро кўргазмалар, ярмаркалар ва тендерларда иштирок этиш, хорижий давлатларнинг қонунчилиги асосида талаб қилинадиган рухсат берувчи ҳужжатлар, сертификат ва лицензияларни олиш ҳамда божхона расмийлаштирувида консультатив хизматлар кўрсатилди.

Жумладан, “Elite Alliance Group” ва “Flora Fayz Baraka” корхоналари ўз маҳсулотларини суғурта полиси орқали экспорт қилишда амалий ёрдам сўраб жамғармага мурожаат қилган эди. Жамғарма ходимлари томонидан кўрсатилган тезкор ёрдам туфайли улар бир қатор экспорт шартномалари тузишга эришдилар.

“Inter Plast Product” МЧЖ директори М. Тагиров эса шундай дейди:

— Биз ҳам жорий йилнинг февраль ойида маҳсулотларимизни хорижий бозорларга чиқариш мақсадида жамғармадан молиявий кўмак сўраган эдик. Унинг мутахассислари мурожаатимизни инобатга олиб, ўз ҳисобидан 100 миллион сўм миқдорида фоизсиз маблағ ажратиб беришди. Пировардида корхонамиз умумий қиймати 5 миллион АҚШ долларига тенг экспорт шартномалари тузишга муваффақ бўлди. Айтмоқчиманки, жамғарманинг ташкил этилгани мамлакатимиз тадбиркорлари учун ўз маҳсулотларини хорижга экспорт қилишда яратилган катта имкониятдир.

Яна бир диққатга сазовор мисол: жамғарма ва “Ўзстандарт” агентлиги томонидан корхоналарда сифат менежменти тизими (СМТ)ни жорий этиш, шу орқали уларнинг экспорт салоҳиятини янада ошириш мақсадида ҳудудлардаги хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти ўрганилиб, чуқур таҳлил қилинган ҳолда махсус жадвал ишлаб чиқилди. Мазкур жадвалга мувофиқ, бу йил Тошкент шаҳрида жойлашган бир нечта корхонада жамғарманинг молиявий кўмагида халқаро стандартлар талабларига мос СМТни босқичма-босқич қўллаш кўзда тутилмоқда.

Айни кунларда эса жамғарма жамоаси жорий йилнинг 23-26 май кунлари Хитойнинг Сиан шаҳрида бўлиб ўтадиган халқаро саноат маҳсулотлари кўргазмасида 80 нафардан ортиқ тадбиркорларимизнинг иштирок этишини ташкиллаштирмоқда.

Кўриниб турибдики, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг ҳуқуқий, молиявий ва ташкилий ёрдами натижасида ишбилармонларимизнинг экспорт салоҳияти тобора юксалмоқда.

**Ў. ИКРОМОВ.**

## РЕЕСТР
## 19-03-22-05-ЎзР-10-2014
## ТАБИИЙ ГАЗ УЧУН ЧАКАНА НАРХЛАР

**2014 йил 1 апрелдан жорий этилади.**

### УМУМИЙ КЎРСАТМАЛАР

1. Ушбу прейскурант тарифлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида аҳолига етказиб бериладиган табиий газга таааллуқлидир.
2. Иситиш ускуналари туридан қатъи назар, аҳоли томонидан уй ва квартираларни иситишда табиий газдан фойдаланиш учун тўлов беш ойлик иситиш мавсуми давомида ҳар ой ҳисобидан белгиланган.

   Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан иситиш мавсуми беш ойдан ортиқ ёки кам қилиб белгиланган тақдирда, газдан фойдаланганлик учун истеъмолчилар билан тегишли тарзда ҳисоб-китоб қилинади.
3. Истеъмолчи(абонент)ларда иккита ёки ундан кўп газ плитаси ёки иссиқ сув таъминоти учун иситкич бўлса, ушбу ускуналар учун газ сарфлаш меъёри икки марта ёки ундан кўпроқ оширилади.
4. Газ ўлчагичлар ўрнатилган уй(квартира)ларда фойдаланилган газ учун тўловлар ўлчагичлар кўрсаткичи ва ушбу прейскурантда белгиланган тариф бўйича тўланади.
5. Фойдаланилган газ учун тўлов миқдорини аниқлашда хонадоннинг барча аъзолари, шу жумладан, вақтинча яшаётганлар ҳам ҳисобга олинади.
6. Иситилаётган хоналар деганда, бутун фойдали ҳажм: иситиш ускунаси қаерда жойлашганидан қатъи назар, яшаш хоналари, ваннахоналар, ошхона, ички йўлаклар, шунингдек, иситиш ускуналари бор бошқа хоналар (веранда, терасса, ойнаванд балконлар ва бошқа қўшимча қурилишлар) тушунилади.
7. Прейскурантнинг 2-бўлими тарифлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 мартдаги 99-сонли ва 2003 йил 2 октябрдаги 421-сонли қарорлари билан тасдиқланган аҳолига етказиб бериладиган табиий газ сарфи меъёрлари ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилган.

   Иситиладиган хона меъёри бир кишига 43 куб метр қилиб белгиланган.

   Хоналарни меъёрда белгиланган ҳажмда (43 $м^3$/киши) иситиш учун фойдаланилган газ ҳақи белгиланган тариф бўйича, меъёрдан ортиқча ҳажм учун эса бир ярим баробар миқдорида тўланади.
8. Автоном сув иситкич ва қозонлар орқали иссиқхона (теплица) ҳамда оранжереяларни иситиш, якка тартибда меҳнат фаолиятини юритиш чоғида тандир, овқат пишириш учун фойдаланилган газ ҳақи улгуржи истеъмолчилардан белгиланган тарифларда олинади. Газ ўлчагичлар йўқ бўлса, газ сарфи кечаю кундуз ишлаган газ ёқиш ускуналарининг энг юқори қуввати ва иситиш мавсумига тузилган шартномада белгиланган тартибда аниқланади.
9. Ушбу прейскурантнинг «Умумий кўрсаткичлар»и, агар қўшимча прейскурантда бошқача кўрсатилмаган бўлса, бошқа барча қўшимча прейскурантларга ҳам тегишлидир.
10. Мазкур чакана нархлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси илгари тасдиқлаган (2013 йил 16 сентябрь, реестр № 19-03-22-05-ЎзР-114-2013) нархлар ўрнига 2014 йил 1 апрелдан жорий этилади.

### 1. АҲОЛИ ТОМОНИДАН ФОЙДАЛАНИЛГАН ТАБИИЙ ГАЗ УЧУН ТАРИФЛАР *)

| Т/р | Номи | Стандарт ёки ТУ | Ўлчов бирлиги | Ўлчов бирлиги тарифи (сўм) |
|---|---|---|---|---|
| 1.1 | Газ ўлчагичи бор аҳолига етказиб бериладиган газ | ГОСТ 5542-87 | 10 $м^3$ | 1 652,40 |
| 1.2 | Газ ўлчагичи йўқ аҳолига етказиб бериладиган газ: | | | |
| | овқат пишириш ва иссиқ сув таъминоти учун | -"- | 10 $м^3$ | 2 857,65 |
| | иситиш учун | -"- | 10 $м^3$ | 1 325,25 |

### 2. ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ ЙЎҚ ҲОЛАТДА КОММУНАЛ-РЎЗҒОР ЭҲТИЁЖЛАРИГА ИШЛАТИЛАДИГАН ГАЗ УЧУН ТАРИФЛАР (ГОСТ 5542-87)

| Т/р | Истеъмолчи тавсифи | Ўлчов бирлиги | Тариф бўйича тўловлар | |
|---|---|---|---|---|
| | | | Йиллик *): | Ойлик |
| 2.1 | Марказий (якка) иссиқ сув таъминоти бор уйларда овқат пишириш газ плиталари | Бир яшовчидан 11,0 $м^3$ | 37 721,40 | 3 143,45 |
| 2.2 | Газда сув иситиш ускунаси ҳамда марказий иссиқ сув таъминоти йўқ уйларда овқат пишириш газ плиталари | -"- 15,0 $м^3$ | 51 437,40 | 4 286,45 |
| 2.3 | Марказий иссиқ сув таъминоти бўлмаган ёки вақти-вақти билан ишлайдиган иссиқ сув таъминоти бор уйларни иссиқ сув билан таъминлаш учун газли иситкичлар | -"- 16 $м^3$ | 54 867,00 | 4 572,25 |
| 2.4 | Иситиш газ ускуналари туридан қатъи назар, уй ва квартираларни беш ойлик иситиш мавсуми давомида иситишда газдан фойдаланганлик учун ойига: | Иситиладиган хонанинг 1 $м^3$ учун | | |
| | Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида | Хонанинг 1 $м^3$ учун 6,0 $м^3$ | 3 975,75 | 795,15 |
| | Тошкент шаҳри ва бошқа вилоятларда | Хонанинг 1 $м^3$ учун 5,76 $м^3$ | 3 816,75 | 763,35 |
| 2.5 | Дағал ва илдизмевали озуқаларни буғлаш ҳамда ичириш ва санитария мақсадлари учун сув иситишни ҳисобга олган ҳолда, ҳайвонларга озуқа тайёрлаш | отга 5,6 $м^3$ | 19 203,60 | 1 600,30 |
| | | сигирга 23,7 $м^3$ | 81 271,20 | 6 772,60 |
| | | қўй (эчки)га 2,2 $м^3$ | 7 544,40 | 628,70 |
| | | чўчқага 12,5 $м^3$ | 42 864,60 | 3 572,05 |

***) Иситиш ҳақи беш ойлик иситиш мавсуми давомида тўланади.**

471-2R/258

## СОЛИҚ ТЎЛОВЧИ ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА!

**Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 189-моддасига мувофиқ, декларация асосида солиқ солинадиган даромадларга Ўзбекистон Республикаси резидентларининг қуйидаги даромадлари киради:**

- мулкий даромадлар, агар бу даромадларга тўлов манбаида солиқ солинмаган бўлса;
- фан, адабиёт ва санъат асарларини яратганлик ҳамда улардан фойдаланганлик учун муаллифлик ҳақи тариқасида олинган даромадлар;
- асосий бўлмаган иш жойидан олинган моддий наф тарзидаги даромадлар;
- икки ёки ундан кўп манбадан олинган солиқ солинадиган даромадлар;
- Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқаридаги манбалардан олинган даромадлар;
- шунингдек, солиқ агентлари бўлмаган манбалардан олинган даромадлар.

Жисмоний шахслар жами йиллик даромадлари тўғрисидаги декларацияни доимий яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органига шахсан бориб топшириши, почта орқали буюртма хат шаклида, шунингдек, электрон шаклдаги ахборот тарзида тақдим этишлари мумкин.

Жами йиллик даромадлари тўғрисидаги декларацияни тақдим этмаслик ёки ўз вақтида тақдим этмаслик Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексининг 174-моддаси, 3-қисмига асосан жарима солишга сабаб бўлади.

Шу билан бирга, агар солиқ тўловчи даромадлар тўғрисидаги декларацияни тақдим этмаган бўлса, давлат солиқ хизмати органи ўзидаги мавжуд маълумотлар асосида солиқ суммасини энг юқори ставка бўйича ҳисоблашга ва солиқ тўловчига тўланиши лозим бўлган ҳисобланган солиқ суммаси тўғрисида билдиришнома топширишга ҳақлидир.

*Ҳурматли солиқ тўловчилар!*

2013 йилда олган жами йиллик даромадингиз тўғрисидаги декларацияни доимий яшаш жойингиздаги давлат солиқ хизмати органига 2014 йилнинг 1 апрелидан кечиктирмай тақдим этишни унутманг.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ**

490A/249

## «REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда: Юнусобод тумани СИБ томонидан:

**1.** 2013 йил 3 июндаги 16555-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур кўчаси, «Олой бозори» савдо мажмуаси ичида жойлашган блок «Б» савдо дўкони.

***Бошланғич баҳоси — 969 839 417 сўм.***

**2.** 2013 йил 3 июндаги 16555-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур кўчаси, «Олой бозори» савдо мажмуаси ичида жойлашган блок «А» савдо дўкони.

***Бошланғич баҳоси — 484 088 920 сўм.***

**3.** 2013 йил 3 июндаги 16556-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур кўчаси, «Олой бозори» савдо мажмуаси 2 қаватида жойлашган савдо дўкони.

***Бошланғич баҳоси — 786 801 556 сўм.***

**4.** 2013 йил 21 январдаги 425-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Қоронкўл кўчаси, 84-уйда жойлашган тураржой.

***Бошланғич баҳоси — 357 973 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2014 йил 14 апрель куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганда соат 16.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Realtor garant business» МЧЖнинг ОАТБ «Asia alliance bank» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204936050001, МФО: 01103, СТИР: 207125885.

Аукцион ғолиби сотиб олган мулк қийматини 5 банк куни мобайнида тўлиқ тўлаши шарт.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Зиёлилар кўчаси, 1-уй. Телефон: (8-371) 262-35-99.**

Хизматлар лицензияланган.

499R/51

**Диққат!**

**«REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖнинг почта манзили Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Зиёлилар кўчаси, 1-уйга ўзгарганлигини маълум қилади.**

## «NEW ESTATE ACTION» МЧЖ

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

**Тошкент вилояти Паркент тумани СИБ томонидан:**

- Аукцион савдосига 2011 йил 8 октябрдаги 10-1114/978-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Паркент тумани, Бўстонлиқ қишлоғида жойлашган, умумий ер майдони 0,92 гектар бўлган бир қаватли маъмурий бино ва ошхона (ғишт заводи бино-иншоотлари) бино-иншоотлари такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 427 986 000 сўм.***

- Аукцион савдосига 2014 йил 20 январдаги 10-1308/10450-сонли ижро варақаси (ҳал қилув қарори)га асосан хатланган, Паркент тумани, «Гулбоғ» агрофирмаси, Чўққайма маҳалласида жойлашган, умумий майдони 1,0 гектар бўлган картошка омбори бино-иншоотлари қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 350 000 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2014 йил 1 май куни соат 12.00 дан бошлаб ўтказилади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади. Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «New estate action» МЧЖнинг ОАИТБ «Ипак йўли» банки Миробод филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104995394001, МФО: 01101, СТИР: 307373151.

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Маҳмуд Таробий кўчаси, 31-уй. Телефон: (8-371) 254-69-13.**

Хизматлар лицензияланган.

506A/1091

## ТАБИИЙ ГАЗДАН ФОЙДАЛАНУВЧИ УЛГУРЖИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ВА ИССИҚЛИК ТАЪМИНОТИ КОРХОНАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

## «ЎЗТРАНСГАЗ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

**МАЪЛУМ ҚИЛАДИКИ,**

***Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2014 йил 17 мартдаги 19-03-22-05-ЎзР-11-2014-сонли нархларни рўйхатга олиш реестрига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси улгуржи истеъмолчиларига (шу жумладан, иссиқлик таъминоти корхоналарига) етказиб бериладиган табиий газ нархи 2014 йил 1 апрелдан ҚҚС ҳисобга олинган ҳолда,***

**1000 куб метри учун 165 240 сўм**

***қилиб белгиланди.***

**ЭСЛАТМА:**

1. *Табиий газ калория учун қайта ҳисоб-китобсиз берилади.*
2. *Улгуржи истеъмолчиларга (шу жумладан, иссиқлик таъминоти корхоналарига) табиий газнинг улгуржи нархи унинг физик-кимёвий кўрсаткичларидан қатъи назар, ягона ҳисобланади.*
3. *Мазкур реестрга амал қилина бошланиши билан улгуржи истеъмолчилар (шу жумладан, иссиқлик таъминоти корхоналари) учун амал қилувчи 2013 йил 16 сентябрдаги 19-03-22-05-ЎзР-113-2013-сонли реестр ўз кучини йўқотади.*

471-1R/258

## «REAL AUKSION» МЧЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

**1.** Аукцион савдосига Тошкент вилояти Зангиота тумани СИБ томонидан 2519/11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Кўктерак матлубот инвест» МЧЖ омборида сақланаётган, 2009 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 U 077 HA бўлган «AUDI Q7» русумли автортранспорт воситаси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 206 801 000 сўм.***

**2.** Аукцион савдосига Тошкент вилояти Зангиота тумани СИБ томонидан 2014 йил 6 январдаги 6/11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Ўртаовул қўрғони, Амир Темур кўчаси, 102-уйда жойлашган, ишлаб турган «Laser» русумли печенье ишлаб чиқариш ускунаси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 1 198 631 750 сўм 40 тийин.***

Аукцион савдоси 2014 йил 30 апрель куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Ауцион савдосига қўйилган мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Real auksion» МЧЖнинг ОАИТБ «Ипак йўли» банки Миробод филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104996600001, МФО: 01101, СТИР: 302370235.

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Маҳмуд Таробий кўчаси, 31-уй. Телефон: (8-371) 254-69-13.**

Гувоҳнома № 006795.

497R/1090

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
232-11-15, 236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz
02

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси жамоаси “Маданият ва маърифат телеканали” ДУК “Маънавий-тарбиявий дастурлар” муҳарририяти катта муҳаррири Дамин Жумагуловга волидаи муҳтарамаси

**Фозила АБДУНАЗАРОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий-текшириш институти жамоаси Тошкент тиббиёт академияси юқумли касалликлар кафедраси профессори Муборакхон Аҳмедовага турмуш ўртоғи

**Баҳодир АҲМЕДОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

# ОЛИЙ ТАЪЛИМ КОШОНАСИ

## Қарши давлат университетининг янги биносида талаба-ёшларнинг пухта билим олишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган.



*Янгиланиш ва яшариш айёми — Наврўз байрами муносабати билан Қарши давлат университетининг 1500 ўринли янги ва муҳташам бош ўқув биноси фойдаланишга топширилди. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси буюртмасига асосан бунёд этилган бинода*

**13 миллиард** *сўмликдан ортиқ ишлар амалга оширилди.*



Жамшид НОРҚОБИЛОВ (ЎзА) олган суратлар.

### НАВРЎЗ ТУҲФАСИ

Мамлакат ривожи ва юксалишининг асосий шартларидан бирини, ҳеч бир истисносиз, таълим, илм-фанга яратилган шароит белгилайди, албатта. Давлатнинг илмий, иқтисодий, маданий-маърифий салоҳиятини янада ошириш, мустақил диёримизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрнини мустаҳкамлашда олий таълим тизимининг бугунги юксак талабларга жавоб бериши, илмий-педагогик кадрларнинг салоҳияти муҳим аҳамиятга эга. Шу боис мустақиллик йилларида таълим соҳасини ислоҳ қилиш бўйича мамлакатимизда кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Хусусан, олий таълимнинг замонавий халқаро стандартларга мос икки босқичли тизими — бакалавриат ва магистратура йўлга қўйилди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасида таъкидланганидек, Қарши, Термиз, Урганч ва Бухоро университетлари, Тошкент давлат техника университети, Навоий давлат кончилик институти ҳамда бошқа олий ўқув юртларининг янги ўқув биноларини қуриш, мавжуд корпусларини реконструкция қилиш, уларни замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш ишлари амалга оширилди.

Биргина Қарши давлат университетида янгидан барпо этилган бош ўқув биносининг маҳобати кишини ҳайратга солади. Қашқадарё вилоятининг ижтимоий-иқтисодий соҳаси учун етук ва малакали кадрлар тайёрлаб берадиган ушбу даргоҳ кенг кўламли бунёдкорлик ишларидан сўнг бутунлай муаззам қиёфа касб этди. Том маънода замонавий маърифат масканига айланган мазкур таълим муассасасида ўқитувчилар ва талаба-ёшлар учун муносиб шарт-шароитлар яратилди.

Қисқа фурсатда қуриб ишга туширилган ушбу иншоот лойиҳасида ўқув хоналари, лабораториялар, кафедралар кенг ҳамда ёруғ бўлишига алоҳида аҳамият қаратилган. Бино залларининг кенглиги иншоотга ўзига хос маҳобат бағишлайди. Уларга жило беришда замонавий керамик ва силлиқланган гранит плиталардан фойдаланилди. Иншоотнинг асосий биноси олдидаги пешайвон бинонинг салобатига янада улуғворлик бахш этиб турибди. Қисқача айтганда, ана энди университет ҳақиқий талабалар шаҳарчасига айланди.

Президентимизнинг улкан эътибори туфайли барпо қилинган мазкур бинонинг кенг ва ёруғ хоналари, ўқув зали, янги спорт зали тўлиқ замонавий спорт инвентарлари билан жиҳозланди. Хоналар илғор дарс жараёнининг энг мураккаб томонларини ҳисобга олиб лойиҳалаштирилган. Лифтлар, йўлаклар, кенг ва шинам, нурафшон заллар жуда оқилона жойлаштирилган. Фавворалар, вентиляция тизими ёзнинг жазирама иссиғида ҳам бинодаги ўқитувчи ҳамда талабалар учун бир қатор қулайликлар яратади. Ўқитиш, таҳсил олиш билан боғлиқ бундай афзалликлар янги ўқув биноси қурилишида алоҳида эътиборда турди. Бино ҳудудида кенг кўламда ободонлаштириш ишлари олиб борилиб, фавворалар мажмуидан иборат хиёбон барпо этилди. Табиатшунослик ва география ҳамда Педагогика-психология факультетлари жойлаштирилган янги бинода 12 та таълим йўналишида юздан ортиқ профессор-ўқитувчилар 1735 нафар талабага сабоқ бермоқда.

Университетда таълим жараёнини модернизация қилиш ва сифатини ошириш мақсадида хорижий таълим муассасалари, илмий тадқиқот марказлари, малака ошириш институтлари билан ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилган бўлиб, илм-фаннинг сўнгги ютуқлари, ўқув ва илмий тажрибаларнинг ўрганиш ҳамда уларни таълим жараёнига татбиқ этиш, профессор-ўқитувчилар, талабаларнинг ривожланган давлатлар олий таълим муассасаларида малака ошириши ва тажриба орттиришига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айни пайтда Франция, Германия, Ҳиндистон, Янги Зеландия каби давлатлар билан ўзаро илмий ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилган.

Ушбу даргоҳдан эртамиз бунёдкорлари, нурафшон келажагимиз соҳиблари етишиб чиқаётгани эса Президентимизнинг эзгу орзулари амалга ошаётганидан далолатдир.

**Поён РАВШАНОВ,**
**Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси.**

*Австралиянинг Сидней шаҳрида 2015 йили футбол бўйича ушбу мамлакат мезбонлик қиладиган Осиё кубоги финал босқичига қуръа ташлаш маросими ўтказилди.*

# Мусобақага қуръа ташланди

Мазкур спорт тури бўйича қитъамизнинг энг нуфузли мусобақаси ҳисобланган ушбу турнирда саралаш босқичларидан муваффақиятли ўтган ўн олтита мамлакат терма жамоаси бош соврин учун кураш олиб боради. Улар орасида Ўзбекистон миллий терма жамоаси ҳам бор.

Қуръа натижаларига кўра, вакилларимиз “**В**” гуруҳидан Саудия Арабистони, Хитой ва Корея Халқ Демократик Республикаси футболчилари билан бирга жой олди.

Қолган гуруҳлар эса қуйидагича кўриниш ҳосил қилди:

**A** Австралия, Корея Республикаси, Уммон, Кувайт.

**C** Эрон, Бирлашган Араб Амирликлари, Қатар, Баҳрайн.

**D** Япония, Иордания, Ироқ, “Чақирув кубоги — 2014” ғолиби.

Осиё кубоги баҳслари келаси йилнинг тўққизинчи январь санасида бошланади. Шу куни мусобақанинг очилиш маросими ҳамда Австралия ва Кувайт терма жамоалари ўртасида ўзаро ўйин бўлиб ўтади.

Ўзбекистон терма жамоаси гуруҳдаги дастлабки ўйинни 10 январь куни Сидней шаҳрида Корея Халқ Демократик Республикаси футболчиларига қарши ўтказади. Ушбу гуруҳдаги Саудия Арабистони — Хитой терма жамоалари ўртасидаги беллашувга Брисбен шаҳри мезбонлик қилади.

Гуруҳдаги иккинчи тур баҳслари 14 январь санасига белгиланган. Шу куни мухлислар Мельбурн шаҳрида Корея Халқ Демократик Республикаси — Саудия Арабистони, Брисбенда Хитой — Ўзбекистон терма жамоалари ўртасида ўзаро беллашувларга гувоҳ бўлишади.

Гуруҳ босқичининг якунловчи турида вакилларимиз Саудия Арабистони футболчиларига қарши Мельбурн шаҳрида майдонга чиқишса, Канберрада Хитой ва Корея Халқ Демократик Республикаси терма жамоалари ўртасида ўйин бўлиб ўтади.

**Фазлиддин АБИЛОВ тайёрлади.**


• РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР •

## «CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

*очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.*

«Capital realtor group» МЧЖда 2014 йил 29 апрель куни соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

**1.** Ҳамза тумани СИБ томонидан Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2013 йил 10 майдаги 1-867/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Шавкат 1-тор кўчаси, 3-уйда жойлашган, умумий ер майдони 400 кв.м., қурилиш ости майдони 306,60 кв.м. бўлган тураржой.
***Бошланғич баҳоси — 60 000 000 сўм.***

**2.** Ҳамза тумани СИБ томонидан ЖИБ Юнусобод тумани судининг 2013 йил 19 февралдаги 1-99-13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Фарғона йўли кўчаси, 23/5-уй, 7-хонадонда жойлашган, умумий ер майдони 336 кв.м., умумий фойдаланиш майдони 82,63 кв.м. бўлган тураржой.
***Бошланғич баҳоси — 78 080 000 сўм.***

**3.** Чилонзор тумани СИБ томонидан Фуқаролик ишлари бўйича Учтепа туманлараро судининг 2014 йил 6 январдаги 1-5241/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Муқимий кўчаси, 106-уй, 2-хонадонда жойлашган, умумий майдони 36 кв.м. бўлган савдо дўкони.
***Бошланғич баҳоси — 85 000 000 сўм.***

2014 йил 15 апрель куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

**I.** Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан ЖИБ Шайхонтоҳур тумани судининг 2013 йил 26 декабрдаги 1-578-2013-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги мулклар:

**1.** Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Миробод кўчаси, 33-уйининг ертўла қисмида жойлашган, умумий майдони 111 кв.м., шундан фойдаланиш майдони 74,57 кв.м. бўлган нотураржой.
***Бошланғич баҳоси — 82 769 046 сўм.***

**2.** Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Олтинтопган кўчаси, 4-уйда жойлашган, умумий ер майдони 3704 кв.м., умумий фойдаланиш майдони 2009 кв.м. бўлган мотор цехи биноси.
***Бошланғич баҳоси — 735 523 667 сўм.***

**3.** Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Миробод кўчаси, 39-уй, 16-«А» хонадонда жойлашган, шундан фойдаланиш майдони 77 кв.м., умумий тураржой майдони 61,75 кв.м. бўлган уй-жой.
***Бошланғич баҳоси — 145 777 716 сўм.***

**4.** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Роҳат кўчаси, 1-уйда жойлашган, ер майдони 831 кв.м., фойдаланиш майдони 680 кв.м. бўлган уй-жой.
***Бошланғич баҳоси — 80 613 456 сўм.***

**II.** Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан Фуқаролик ишлари бўйича Шайхонтоҳур туманлараро судининг 2013 йил 2 сентябрдаги 1-4382/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чилонзор-Д20 даҳаси, 15-уйининг 1-қаватида жойлашган, умумий майдони 66 кв.м. бўлган нотураржой.
***Бошланғич баҳоси — 62 500 000 сўм.***

**III.** Юнусобод тумани СИБ томонидан:

**1.** ЖИБ Тошкент вилояти судининг 2010 йил 20 апрелдаги 2-040-10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғи Эрам кўчаси, 7-уйда жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 557,63 кв.м., икки қаватли ва ертўласи бўлган уй-жой.
***Бошланғич баҳоси — 674 653 602 сўм.***

**2.** ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 1 декабрдаги 1-576/11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Барака (аввалги Ш. Қозоқбоев) кўчаси, 126-«А» уйда жойлашган, умумий майдони 832 кв.м. бўлган икки қаватли уй-жой.
***Бошланғич баҳоси — 337 682 696 сўм.***

**IV.** Ҳамза тумани СИБ томонидан ЖИБ Ҳамза тумани судининг 2011 йил 26 декабрдаги 1-805/11-сонли ижро варақасига асосан хатланган:

**1.** Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Авлиё Ота кўчаси, 9-уйда жойлашган, умумий майдони 536 кв.м. бўлган икки қаватли ва ертўладан иборат кўчмас мулк (свадебный салон).
***Бошланғич баҳоси — 1 673 820 000 сўм.***

**2.** Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Шоҳимардон кўчаси, 84-уйда жойлашган, умумий майдони 1080 кв.м. бўлган, бир қаватли, 4 та бино ва битта иншоот ҳамда битта ёрдамчи иншоотдан иборат кўчмас мулк.
***Бошланғич баҳоси — 1 542 654 900 сўм.***

**V.** Сергели тумани СИБ томонидан ЖИБ Сергели тумани судининг 2013 йил 7 октябрдаги 1-693-13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Қўйлиқ 5-мавзе, Халқобод маҳалласи, Толариқ канали бўйида жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 107 кв.м. бўлган, 1 қаватли болалар спорт майдончаси ва савдо шохобчалари.
***Бошланғич баҳоси — 136 533 600 сўм.***

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 18.00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганда соат 17.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Capital realtor group» МЧЖнинг ОАТБ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй.**
**Телефон: (8-371) 250-19-24.**

Хизматлар лицензияланган.

500R/90

***Фармацевтика фаолияти билан шуғулланувчи ишлаб чиқарувчи корхоналар, фирма ва компаниялар диққатига!***

## Самарқанд вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси

**қишлоқ врачлик пунктлари учун зарурий дори воситалари, тиббий ашёлар ва реактивларни марказлашган асосда сотиб олишга тендер (танлов) савдоси эълон қилади.**

Тендер (танлов)да қўйиладиган шартларни бажарган, тендер асосида харид қилинадиган маҳсулотнинг тегишли ҳажмларини етказиб бериш тажрибасига эга бўлган, фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳамда улгуржи савдо фаолияти билан шуғулланувчи ташкилотлар қатнашишлари мумкин.

Мамлакатимиз резидентлари ҳисобланган ташкилот ва ишлаб чиқарувчи корхоналарга Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига асосан, нарх-наво преференциялари берилади.

**Тендер комиссияси ишчи органининг номи, манзили ва банк реквизитлари:**
Самарқанд вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси, 103057, Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, 1-уй.
Телефонлар: (8-366) 233-72-22, 233-02-12.
Электрон почта: Samarkand/ssb@minzdrav.uz

Молия вазирлигининг ғазначилик умумий ҳисоб рақами: 23402000300100001010, Марказий банк Тошкент шаҳар бош бошқармаси, МФО: 00014, СТИР: 201122919,
ш/ҳ: 400121860184017950100054015 (тендер ҳужжатларини олиш ва гаров пули ўтказишга шартномалар тузиш учун),
ш/ҳ: 100021860184017072300540002 (маҳсулот етказиб бериш шартномасини тузиш учун) СТИР: 201213685, ОКОНХ: 97400.

**Тендер (танлов) предмети.**
Қуйидаги лотлар бўйича товарларни етказиб бериш:

1-лот — шошилинч тиббий хизмат кўрсатиш учун дори-дармон воситалари (рўйхат бўйича);
2-лот — реактивлар;
3-лот — тиббий ашёлар ва сарфлаш материаллари.

Харид қилинаётган товарларнинг максимал нархи ва тўлов шартлари тендер ҳужжатларида акс эттирилади.

**Етказиб бериш шартлари.**
Тайёр маҳсулотларни ҳудудий соғлиқни сақлаш бошқарув органлари томонидан белгиланган жойлардаги омборхоналарга етказиб беришлари шарт.

Етказиб бериш муддатлари тендер (танлов) ҳужжатларида кўрсатилган.

Тендер (танлов) бошлангунга қадар тендер комиссияси томонидан тендер савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорларнинг малакавий танлови ўтказилади.

Тендер (танлов) ҳужжатларини сотиб олиш баҳоси 100 000 сўм ва закалат (тендер таклифи кафолати) миқдори шартнома миқдорига қараб, 500 000 сўмдан 37 500 000 сўмгача ташкил этади.

Тендер (танлов) таклифларини қабул қилишнинг охирги муддати — 2014 йил 29 апрель соат 15.00 (маҳаллий вақт билан)гача.

Тендер (танлов) савдосини ўтказиш шартлари юзасидан қўшимча маълумот олиш учун юқорида кўрсатилган манзил бўйича Самарқанд вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасига мурожаат этиш мумкин.

518R/262

## «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банкининг 2014 йил 24 мартдаги АА-1922-08-сонли буюртманомасига асосан, собиқ «Ҳошим» ХИЧФга тегишли, Сурхондарё вилояти, Бойсун тумани, Омонхона ва Инкобод қишлоқларида жойлашган, умумий ер майдони 26 400 кв.м., жами 5 та бино ва 4 та иншоотдан ташкил топган, шундан бино-иншоотларнинг ер ости қурилиш майдони 1258,3 кв.м.дан иборат мол-мулклар мажмуаси қўйилмоқда.
***Бошланғич баҳоси — 235 631 087 сўм.***

Аукцион савдоси 2014 йил 30 апрель куни соат 12.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2014 йил 28 апрель куни соат 18.00. Мол-мулклар мажмуаси 2014 йил 30 апрель куни сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2014 йил 7, 14, 21 ва 28 май кунлари соат 12.00 да бўлиб ўтади. Такрорий аукцион савдолари учун аризалар қабул қилишнинг охирги муддати: 2014 йил 7 майдаги савдо учун — 5 май куни, 14 майдаги савдо учун — 12 май куни, 21 майдаги савдо учун — 19 май куни, 28 майдаги савдо учун — 26 май куни соат 18.00.

Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза билан биргаликда қуйидагилар тақдим этилади: юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакил савдода қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ишончнома ва закалат суммаси тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат, жисмоний шахслар учун — паспорт нусхаси, шунингдек, савдода тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакил шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ишончнома ва закалат суммаси тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

Аукцион ғолиби мулк сотилиш баҳосининг 20 фоизи миқдоридаги маблағни савдо ўтказилгандан сўнг бўнак пули сифатида, 5 банк иш кунидан кечиктирмасдан тўлаши, қолган қисмини шартнома асосида бир йилдан кўп бўлмаган муддатда амалга ошириши лозим.

Объект миллий валютада бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилган тақдирда, сотиб олиш қийматининг миллий валютадаги қолдиқ қисмига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкаси бўйича фоиз ҳисобланади.

Ҳужжатларни расмийлаштиришда зарур бўладиган давлат божи, гаров шартномасини расмийлаштиришдаги тўловлар, очиқ аукцион савдолари ташкилотчисига тўланадиган комиссион тўловлар ва бошқа харажатлар харидор маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Аукцион савдоси ғолибига сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Сотувчи томонидан мулклар учун тўловлар амалга ошириш муддати олди-сотди шартномаси тузилганда белгиланади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг ОАИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

**Аукцион ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй.**
**Телефон: (8-371) 228-79-52. www.1kms.uz**

Хизматлар лицензияланган.

496R/1453



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 369. 140 877 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ISSN 2010-8788

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Қ. Ҳидиров.
Навбатчи — Д. Содиқов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.55 Топширилди — 22.00 1 2 3 4 5